Тадқиқотнинг долзарблиги. Жаҳон миқёсида аҳоли, шу жумладан унинг сезгир қисми бўлган балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликлар учраш даражаси, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар, ушбу ҳолатнинг улар организм аъзо ва тизимларига таъсири борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасини ишлаб чиқиш, унинг клиник-стоматологик самарадорлигини ошириш, стоматологик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Аммо, балоғат ёшидаги қизлар тизимида стоматологик саломатликни ўрганиш натижалари талқин ҳамда таҳлили, улар асосида ушбу касалликларнинг учраш даражасини камайтириш, бирламчи профилактика йўллариини ишлаб чиқиш, шу асосда ушбу балоғат ёшидаги қизлар ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги тадқиқотлар поёнига етгани йўқ ва уларни давом эттирган ҳолда мақбул профилактик дастурлар ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш давр талабидир.

Тадқиқотнинг мақсади. Балоғат ёшидаги қизларда стоматологик тиббий ёрдам кўрсатиш усуллариини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқот объекти. Стоматологик касалликлари мавжуд балоғат ёшидаги қиз болалар олинди.

Натижа ва таҳлиллар. Барча аниқланган 8 та нозологик бирлик ўрганилган ҳудудларда амалий жиҳатдан бир хил учради. Айниқса, юза кариес (мос равишда ҳудудлар бўйича 11,13±1,42%, 15,48±1,63% ва 14,78±1,45%, P>0,05), ўрта кариес (мос равишда 25,10±1,95%, 25,45±1,97% ва 24,03±1,75%, P>0,05), чуқур кариес (мос равишда 18,62±1,75%, 24,64±1,94% ва 24,50±1,65%, P>0,05) бўйича маълумотлар орасида ишонарли даражадаги тафовут аниқланмади. Кариес доғи бўйича ҳам маълумотлар бир-бирига жуда яқин бўлди. Шахар ва қишлоқ тумани орасида статистик жиҳатдан ишонарли тафовут аниқланган бўлса ҳам (9,24±1,18% га қарши 6,28±1,09%, P<0,05), рақамларнинг бир-бирига яқинлиги фарқнинг жиддий эмаслигини кўрсатди.

Стоматологик касалликлар учраш даражасини ҳудудлар кесимида ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Балоғат ёшидаги қизларда аниқланган стоматологик касалликлар учраш даражасининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши

Ташх ислар	Тадқиқот ҳудудлари							
	Умумий, n=1580		Боғот, n=494		Янгибозор, n=491		Урганч, n=595	
	м	%	м	%	м	%	м	%
Ўрта кариес	92	24,81±1,09	24	25,10±1,95	25	25,45±1,97	43	24,03±1,7
Чуқур кариес	35	21,20±1,03	2	18,62±1,75	21	24,64±1,94	22	20,50±1,65
Юза кариес	19	13,86±0,87	5	11,13±1,42	6	15,48±1,63	8	14,78±1,45

Пульпит	1 29	8,17±0, 69	2 7	5,47±1, 02*	4 1	8,35±1, 25	6 1	10,25± 1,2
Кариес доғи	1 23	7,78±0, 67	3 1	6,28±1, 09*	3 7	7,54±1, 19	5 5	9,24±1, 1
Периодонтит	9 6	6,08±0, 60	2 4	4,86±0, 97*	2 6	5,30±1, 01*	4 6	7,73±1, 0
Тиш тошлари	9 1	5,76±0, 59	5 7	11,54±1, 44*	2 4	4,89±0, 97*	1 0	1,68±0, 5
Гингивит	7 3	4,62±0, 53	3 3	6,68±1, 12*	1 3	2,65±0, 72*	2 7	4,53±0, 0
Мавжуд эмас	1 22	7,72±0, 67	5 1	10,32±1, 37	2 7	5,50±1, 03	4 4	7,39±1, 07

Эслатма: * - Урганч шаҳри кўрсаткичларидан ишонарли фарқ белгиси

Аниқланган стоматологик касалликлардан пульпит, периодонтит, гингивит бўйича ишонарли равишдаги фарқлар аниқланди. Агар пульпит ва периодонтит бўйича аниқланиш даражаси шаҳарда кўп аниқланган бўлса ($P < 0,05$), тиш тошлари кишлоқ туманларида ишонарли даражада кўп учради. Ушбу ҳолатлар шаҳарда стоматологик хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги, улар томонидан стоматологик саломатликка бўлган эътиборнинг юқорилиги билан боғлиқ. Бу айниқса тиш тошлари аниқланиш фонда яққол кўринди – мос равишда Боғот туманида аниқланиш $11,54 \pm 1,44\%$ ни, Янгибозор туманида $4,88 \pm 0,97\%$ ни, Урганч шаҳрида эса $1,68 \pm 0,52\%$ ни ташкил этди, яъни Урганч шаҳрида аниқланиш даражаси кишлоқ туманларига нисбатан мос равишда 6,84 ва 2,91 мартага кўп бўлди ($P < 0,001$).

Ўрганилган балоғат ёшидаги қизлар орасида стоматологик касалликлар учрамаслиги бўйича натижалар ҳам ҳудудлар бўйича фарқланмади – мос равишда $10,32 \pm 1,37\%$ ва $5,50 \pm 1,03\%$ ларга қарши $4,53 \pm 0,85\%$, ($P > 0,05$).

Шундай қилиб, типик кишлоқ туманлари ва шаҳарда истиқомат қилувчи балоғат ёшидаги қизларда аниқланган стоматологик касалликлар учраш даражасининг ҳудудлар бўйича тақсимооти шуни кўрсатдики, уларда турар жойидан қатъий назар кариоз касалликлар аниқланиши (юза, ўрта, чуқур кариес, кариес доғи) бўйича сезиларли ўзгаришлар аниқланмади, шаҳар ва кишлоқ қизлари орасидаги тафовутнинг йўқлиги ушбу касалликлар шаклланиши патогенетик механизмлари, аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиш рациони ва тартиби билан боғлиқ. Аммо, пульпит, периодонтит ва тиш тошлари аниқланиш даражаси бўйича ҳудудлараро фарқ борлиги исботланди, периодонтит кишлоқ туманларида шаҳарга нисбатан мос равишда 1,55 ва 1,45 мартага, пульпит бўлса 1,87 ва 1,22 мартага кўп аниқланган бўлса ($P < 0,05$ - $P < 0,001$), тиш тошлари мос равишда ўртача 6,86 ва 2,91 мартагача кам ташхисланди ($P < 0,001$). Эътиборли томони шуки, турар жойидан қатъий назар, стоматологик касалликлар умуман аниқланмаган қизлар фоизи орасида ишонарли тафовутлар аниқланмади. Баъзи стоматологик касалликлар учраш даражасидаги дисбаланс ва ишонарли тафовут, биринчидан, стоматологик хизмат кўрсатиш даражасининг ҳар хиллиги, иккинчидан, стоматологик хизмат учун кеч мурожаат қилиш, учинчидан, эстетик нуқтаи назардан оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилишнинг турличалигидир. Шу ёшдаги қизларда стоматологик касалликлар аниқланмаганлик даражаси бор-йўғи $5,50$ - $10,32\%$ ни ташкил этиши профилактик тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим.

Стоматологик касалликлар аниқланиш даражасининг кишлоқ туманларида шаҳарга нисбатан балоғат ёшидаги қизларда учраш даражаси бўйича фарқлар нисбати қиёсий ўрганилди, талқин ва таҳлил қилинди, натижалар 2-жадвал кўринишида келтирилди.

2-жадвал

Кишлоқ туманларида яшовчи балоғат ёшидаги қизларда стоматологик патологияларнинг шаҳарлик тенгдошларига нисбатан фарқлар нисбати, неча марта

Ташхислар	Кишлоқ туманлари	
	Боғот, n=494	Янгибозор, n=491

Юза кариес	-1,32↔	1,04↔
Ўрта кариес	1,04↔	1,05↔
Чукур кариес	-1,33↔	1,00↔
Кариес доғи	-1,47*	-1,22↔
Пульпит	-1,87*	-1,22↔
Периодонтит	-1,59*	-1,45*
Гингивит	1,47*	-1,70*
Тиш тошлари	6,86*	2,91*
Соғлом. касаллик мавжуд эмас	1,39↔	-1,34↔

Эслатма: * - шаҳарлик қизлар параметрларига нисбатан ишонарли фарқ белгиси; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас; “-” – шаҳарлик қизлар кўрсаткичларидан камлигини билдирувчи белги.

Келтирилган жадвал ҳудудлараро тафовутларни аниқ кўрсатиб турибди, ишонарли тафовут мавжуд ($P < 0,05$ - $P < 0,001$) ва мавжуд бўлмаган ($P > 0,05$) кўрсаткичларга қараб туриб кишлоқ туманларида яшовчи балоғат ёшидаги қизларда кўп ёки кам учрайдиган стоматологик қизлар тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Қишлоқ туманларидаги фарқлар борлиги эса айнан шу туманда стоматологик хизматнинг ташкил этилганлиги, малакали мутахассислар билан таъминланганлигига ҳам боғлиқлиги кўрсатиб берилди. Ушбу категориядаги қизлар орасида стоматологик саломатликни мустаҳкамлаш бўйича бирламчи профилактика тадбирлари, тиш ювиш воситалари тайинлаш шу кўрсаткич асосида бажарилиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб берилди. Бирламчи профилактикада асосий эътибор оғиз бўшлиғи қаттиқ ва пародонт тўқималари касалликларини олдини олишга қаратиш лозимлиги исботланди.

Маълумки, тишлов бу тиш қаторининг максимал бирлашувида бир-бири билан максимал муносабати ҳамда юқори ва пастки жағларнинг тўлиқ бирлашуви ҳисобланади. Унда тишлар бир-бирига нисбатан турлича жойлашади. Аниқланишича, улар физиологик (тўғри) ва патологик (нотўғри) тишловларга бўлинади. Тишловнинг стоматологик саломатлик ва эстетик нуқтаи назардан муҳимлигини ҳисобга олиб, балоғат ёшидаги қизларда стоматологик кўрик даврида диққат билан ўрганилди ва натижалар баҳоланди.

Ушбу контингентда тишлов турлари учраш даражасини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Балоғат ёшидаги қизлар тишловидаги ўзгаришлар даражаси кўрсаткичлари

Тишлов турлари		Мутлоқ сон	Нисбий (%) сон
Физиологик тишлов	Ортогнатик	1422	90,0±0,75
	Тўғри	134	8,48±0,70
	Прогнатик	5	0,32±0,14
Патологик тишлов	Очиқ	10	0,63±0,20
	Чукур	7	0,44±0,17
	Кесишган	2	0,13±0,09

Келтирилган 3.6-жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган контингентда физиологик тишлов патологик тишловга нисбатан ишонарли даражада кўп аниқланган – мос равишда $98,79 \pm 0,26\%$ ($n=1560$) га қарши $1,21 \pm 0,26\%$ ($n=19$) – $P < 0,001$. Ушбу ҳолат бошқа тадқиқотлар натижалари билан бир хил бўлгани эътиборлидир. Бу ҳолат балоғат ёшидаги қизларда патологик тишловнинг кам учраши билан боғлиқ бўлиб, улар орасида асосан очиқ тишлов ($0,63 \pm 0,20\%$), чукур тишлов ($0,44 \pm 0,17\%$) ва кесишган тишловгина ($0,13 \pm 0,09\%$) учради. Эътиборлиси, патологик тишловнинг дистал, лизил турлари ва дистопия учрамади. Шунга мос равишда физиологик тишлов турларидан бипрогнатик тури ҳам аниқланмагани эътиборлидир.

Тишлов турларининг ушбу қизлар доимий яшаш жойига боғлиқ ҳолда учрашини билиш ҳам қизиқиш уйғотди. Олинган қиёсий натижалар 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

Балоғат ёшидаги қизларнинг турар жойига боғлиқ ҳолда тишлов турларининг учраш даражаси

		Турар жойи					
		Боғот, n=494		Янгибозор, n=491		Урганч, n=595	
		мут.	%	мут.	%	мут.	%
Физиологик тишлов	Ортогнатик	462	29,24±0,24	446	28,22±1,13	514	32,53±1,17
	Тўғри	20	1,26±0,26*	40	2,53±0,39*	74	4,68±0,53
	Прогонатик	1	0,06±0,00	3	0,18±0,10	1	0,06±0,00
Патологик тишлов	Очиқ	20	0,63±0,17	0	0	0	0
	Чуқур	0	0	1	0,06±0,00*	6	0,37±0,14
	Кесишган	1	0,06±0,00	1	0,06±0,00	0	0

Эслатма: барча %лар умумий текширилганлар сонидан келиб ҳисобланган (n=1580); * - Урганч шаҳрига нисбатан ишонарли фарқ белгиси.

Келтирилган 4-жадвалдан кўриниб турибдики, қишлоқ туманлари ва шаҳарда доимий яшовчи балоғат ёшидаги қизларда физиологик ва патологик тишлов учраш даражаси тенденцияси амалий жиҳатдан бир хил бўлган бўлса, учраш интенсивлигида бирмунча ўзгаришлар учради. Ушбу фарқлар қаторига шаҳарликларда тўғри тишловнинг нисбатан кўп учраши, чуқур тишловнинг сезиларли даражада кўп аниқлангани, очиқ ва кесишган тишловларнинг умуман учрамаганини кўшиш мумкин (P<0,05). Бошқа тишловлар тури бўйича айтарли фарқлар аниқланмади. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, патологик тишлов бўйича рақамлар жуда кичкина бўлганлиги ҳудудлар бўйича фарқларнинг сезиларли бўлмаганини кўрсатади.

Шундай қилиб, балоғат ёшидаги қизларда физиологик тишлов (98,79%) патологик тишловга (1,21%) нисбатан ишонарли юқори бўлди, физиологик тишлов бўйича ортогнатик тур устун бўлган бўлса (90%), патологик тишлов орасида очиқ тишлов (0,63%) кўп учради. Ҳудудлараро солиштирилганда (қишлоқ, шаҳар) тишловлар учраш тенденцияси бир-бирига яқин бўлиб, баъзитураларининг учраш интенсивлиги фарқли бўлди. Бу тўғри, очиқ, чуқур тишловларда яққол кўринди.

Балоғат ёшидаги қизларда юқоридаги маълумотлар билан биргаликда оғиз бўшлиғи қаттиқ тўқималари ҳолати ҳам ўрганилди, натижалари талқин ва таҳлил қилинган ҳолда келтирилди (5-жадвал).

5-жадвал

Балоғат ёшидаги қизларда тиш қаторлари ҳолати натижалари

		Олинган натижалар	
		Мутлоқ сон	Нисбий (%) сон
Тиш касалликлари	Кариес	1060	67,08±1,18
	Пульпит	129	8,16±0,69
	Периодонтит	96	6,07±0,60
Тишлар ҳолати	Пломба	338	21,39±1,03
	Олиб ташланган	94	5,95±0,60
	Тиш илдизи	30	1,90±0,34
Патологик ҳолат йўқ		122	73,72±0,67

Келтирилган 5-жадвалдан кўриниб турибдики, балоғат ёшидаги (13-18 ёш) қизларда асосан кариес касаллиги кўп учради (67,08±1,18%, n=1060), ушбу касаллик пульпит (8,16±0,69, n=129) ва периодонтитдан (6,07±0,60, n=96) мос равишда 8,22 ва 11,09 мартага ишонарли даражада кўп учраши билан тавсифланди (P<0,001). Агар аҳоли орасида кариес

билан касалланиш 98%гача етган бўлса, қизларда бу кўрсаткич кам бўлди. Умуман олганда шу ёшдаги ёшлар учун бу параметр ҳам юқори эканлигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга бугунги кундаги тишлар ҳолати бўйича олинган рақамлар ҳам таҳлил этилди. Аниқланишича, жами 338 нафар тадқиқотга жалб қилинган қизларда (21,39±1,03%) тишларида пломба бўлган. Бу ҳолат тишларнинг зарарланиш даражаси билан бирга уларнинг ечими сифатида мутахассисларга мурожаат кўрсаткичини ҳам англатади. Агар ишга салбий таъсир асосан кариес томонидан эканлигини англасак пломбалар сони ва кариес бўлган тишлар сонини қиёслаш орқали тишга бўлган эътибор даражасини билиш мумкин. Тишида кариес аниқланган 1060 нафар текширилувчининг 338 нафариди пломба борлиги тишга эътиборнинг ҳақиқий аҳволини кўрсатувчи белгилардан бири ҳисобланади. Кариес бўлган тишлардан 31,88±1,43%ида пломба борлиги аниқланган, демак ушбу қизларнинг 1/3 қисми мутахассисга мурожаат қилганда пломба қўйиш орқали даволангани аниқланган (1-расм).



1-расм. Балоғат ёшидаги қизлар орасида умумий кариес бўлган қизларнинг тишлари пломба қилинганлар улуши, % (ОТ - олиб ташлаган)

Агар тиш кариесини даволашнинг асосий усулларида бири пломба қўйиш эканлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткичнинг пастлиги (31,88±1,43%) қизларнинг ўз стоматологик саломатликларига муносабатини билдиради.

Тадқиқот давомида ўрганилганларда олиб ташланган тишлар борлигига ҳам эътибор берилди. Жами 94 нафар қиз болада (5,95±0,6%) ушбу ҳолат борлигига эътибор берилди. Агар кариеси бор қизларга нисбатан кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич 8,86±0,87%ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳам катта рақам бўлиб, қайтмас жараёнга етгунча мутахассисга мурожаат бўлмаганини кўрсатади.

Шундай қилиб, балоғат ёшидаги қизлар оғиз бўшлиғи қаттиқ тўқималари ҳолатини ўрганиш шунини кўрсатдики, уларда кариес энг кўп аниқлангани кўзатилади (67,08%), бу эса ўрганилганларнинг 2/3 қисми деганидир. Пульпит ва периодонтит нисбатан кам аниқланиб (мос равишда 8,16% ва 6,07%), кариесга нисбатан 8,22 ва 11,05 мартага ишонарли равишда кам аниқланди (P<0,001).

Тишлар ҳолати баҳоланганда пломба олиб ташланган ва илдиз кўринишида қолганлар мос равишда 21,39%, 5,95% ва 1,90%ни ташкил этган.

Агар кариес аниқланганлар сонига нисбатан кўрадиган бўлсак, бломба борлар 31,88%, олиб ташланган тишликлар 8,86%ни ташкил этган. Бу эса ўрганилган қизларнинг ўз стоматологик саломатликларига эътиборлари пастлиги, мутахассисга ўз вақтида мурожаат қилиш бўйича муаммо борлигини кўрсатади [1.3.5.7.9.11.13].

Ушбу талқин ва таҳлил қилинган маълумотлар туманлар кесимида ҳам кузатилади. Олинган натижалар 6-жадвал кўринишида келтирилди.

6-жадвал

Балоғат ёшидаги қизларда турар жойга қараб тиш қатори ҳолати натижалари


	Турар жойи		
	Боғот, n=494	Янгибозор, n=491	Урганч, n=595

		мут.	%	мут.	%	мут.	%
Тиш касалликлари	Кариес	347	70,24±2,06	325	66,19±2,13	388	65,21±1,95
	Пульпит	33	6,68±1,12*	35	7,12±1,16*	61	10,25±1,24
	Периодонтит	27	5,46±1,02	31	6,31±1,10	38	6,39±1,00
Тишлар ҳолати	Пломба	0	0	62	12,63±1,50*	276	46,39±2,04
	Олиб ташланган	13	2,63±0,72*	39	7,94±1,22	42	7,06±1,05
	Тиш илдизи	0	0	8	1,63±0,56*	22	3,70±0,77
Патологик ҳолат йўқ		51	1032±1,37	27	5,50±1,03	44	7,39±1,07

Эслатма: натижалар худудлар бўйича кузатув бирликларига нисбатан ҳисобланган.

Келтирилган 6-жадвалдан кўришиб турибдики, ўрганилганларда тиш касалликлари учраш даражалари бўйича натижалар бир-бирига ўхшаш бўлди, барча ҳисобланган фоизлар учраш тенденцияси ва ўзгаришлар интенсивлиги орасида катта қарқлар аниқланмади ($P>0,05$). Пульпитлар учраш даражаси қишлоқ туманларида шаҳарлик тенгдошларига нисбатан ишонарли равишда кам аниқланган бўлса ҳам, аммо рақамлар бир-бирига яқин бўлди – мос равишда 6,68±1,12%, 7,12±1,16% ва 10,25±1,24% ($P<0,05$). Кариес (мос равишда 70,24±2,06%, 66,19±2,13% ва 65,21±1,95%, $P>0,05$), периодонтит (мос равишда 5,46±1,02%, 6,31±1,10% ва 6,39±1,00%, $P>0,05$) бўйича ишонарли натижалар аниқланмади. Бу ҳолат балоғат ёшидаги кизлар орасида тиш касалликлари бўйича доимий турар жойидан қатъий назар, тафовут аниқланмаганини кўрсатди, бу эса текширилганларнинг амалий жиҳатдан барчаси битта миллатга мансублиги, турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти, овқатланиш режими бир хил эканлигини, стоматологик саводхонлик бўйича тасаввурлар ҳам бир-бирига ўхшаш эканлигини кўрсатди.

Тишлар ҳолати бўйича бундай деб бўлмайди, чунки бу кўрсаткич стоматологик хизмат ва ўз вақтида мутахассисга мурожаат ва стоматологик хизмат сифати билан боғлиқ (2-расм).



2-расм. Балоғат ёшидаги кизларда турар жойга мос равишда тишлар ҳолати қиёсий кўрсаткичлари, % (ОТ – олиб ташланган)

Ушбу 2-расмда келтирилишича қишлоқ туманларида яшовчи кизларда тиш ҳолати бўйича ишонарли даражадаги ўзгаришлар аниқланди. Тишларга пломба қўйиш бўйича катта устунлик шаҳарда муқим яшовчи кизлар томонидан бўлди – мос равишда 46,39±2,04%га қарши 12,63±1,50% (3,67-марталик усутнлик, $P<0,001$). Шунинг айнан тескараси олиб ташланган тишларга тўғри келди, бу тенденция қишлоқда яшовчи кизларда кузатилди – мос

равишда $7,94 \pm 1,22\%$ га қарши $7,06 \pm 1,05\%$ (1,12-марталик усутнлик, $P > 0,05$). Бундай парадоксни шахарлик қизларнинг тишларини сақлаб қолишга бўлган ҳаракатлари, касалланган тишни радикал олиб ташлашдан кўра даволашни афзал кўришлари билан изоҳланди. Демак, бу кўрсаткичлар бўйича аниқ тафовут борлиги стоматологик саломатликни тарғиб қилишда, профилактик тадбирлар режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишда ҳисобга олиниши лозим. Шунга ўхшаш натижалар тиш қаторида тиш илдизи учраши бўйича ҳам олинди, бу ҳолат бўйича ишонарли даражадаги устунлик шахарда яшовчи қизлар томонидан бўлди – мос равишда $3,70 \pm 0,77\%$ га қарши $1,63 \pm 0,56\%$ ($P < 0,001$). Ушбу 2,26 марталик устунлик касалланган тишни даволаш йўли билан сақлаб қолишга уриниш билан изоҳлаймиз.

Бу ҳолат, биринчидан, тиш қаторларига бўлган эътибор билан изоҳланса, иккинчидан, эстетик нуқсон пайдо бўлмаслигига уриниш билан изоҳланди. Ваҳоланки кариес учраш даражаси ҳаммада бир хил эди.

Шундай қилиб, балоғат ёшидаги қизларда турар жойга қараб тиш қатори ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, тиш кариеси учраш даражаси барча текширилган контингентда амалий жиҳатдан ишонарли даражада фарқ қилмади, ушбу стоматологик касаллик учраш тенденцияси ва ўзгаришлар интенсивлиги бир-бирига яқин рақамлардан иборат бўлди – мос равишда Боғот ва Янгибозор туманларида $70,24\%$ ва $66,19\%$, Урганч шаҳрида бўлса $65,21\%$ ($P > 0,05$). Периодонтит касаллиги аниқланиш параметри ҳам юқоридагига ўхшаш бўлди ($P > 0,05$). Фақат, пульпит шахарлик қизларда ишонарли даражада кўп учраши билан тафовутланди – мос равишда $1,53$ ва $1,43$ мартага ($P < 0,05$). Ушбу қизларнинг турар жойига қараб тишлар ҳолатини ўрганиш пломба қўйиш шахарда доимий яшайдиган қизларда қишлоқда муқим истиқомат қилувчи тенгдошларига нисбатан нисбатан $3,67$ мартага яшонарли равишда кўплиги аниқланди ($P < 0,001$). Бунга тескари равишда олиб ташланган тишлар қишлоқлик қизларда $1,12$ мартага кўп бўлди. Бу ҳолат шахарлик қизларнинг тишларини сақлаб қолиш бўйича уринишлари юқорилигини кўрсатади, бу эса стоматологик саломатликка бўлган эътиборнинг бўғинларидан биридир. Тиш илдизининг аниқланиш даражаси ҳам шахарликларда қишлоқдаги тенгқурларига нисбатан $2,26$ мартага ишонарли кўплиги ($P < 0,001$) тишни даволаш йўли билан сақлаб қолишга уринишдир. Кариес учраш даражаси, стоматологик патология йўқлиги кўрсаткичлари ушбу ҳудудлар бўйича статистик жиҳатдан ишонарли фарқ қилмагани фонида пломба қўйиш, тишни олиб ташлаш ва тиш илдизи борлиги бўйича фарқлар аниқлангани стоматологик саломатликка бўлган эътиборнинг турлича эканлигини кўрсатди [2.4.6.8.10.12.14].

Балоғат ёшидаги 13-18 ёшли қизларда турар жойга (қишлоқ, шахар) мос ҳолда улар ортопедик статуси ўрганилди. Ушбу қизларда олиб ташланган тишлар ўрнида кўприксимон протез қўйилгани аниқланди. Ушбу ҳолат жами 58 нафар текширилган қизларда аниқланиб, бу жами $3,67 \pm 0,47\%$ ни ташкил этди. Агар олиб ташланган тишлар сони 94 нафар ($5,94 \pm 0,59\%$) қизларда аниқланган бўлса, унда протезлаш фоизи ушбу кўрсаткичдан камлигини кўрамиз – мос равишда $3,67 \pm 0,47\%$ ($n=58$)га қарши $5,94 \pm 0,59\%$ ($n=94$). Олиб ташланган тишларнинг кўприксимон протез билан қопланиш фоизи $61,70 \pm 5,01\%$ ни ташкил этди. Демак, ўрганилган контингент орасида стоматологик саломатликка эътибор паст, жами ҳар $2/3$ қисм қизларгина олиб ташланган тишлар ўрнига протезлашни амалга оширишган.

Ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, бир-биридан фарқли хусусиятни кузатамиз. Агар Боғот туманида кўприксимон протез билан протезлаш 10 нафар ($2,02 \pm 0,63\%$) қизларда аниқланган бўлса, Янгибозор туманида бу кўрсаткич 9 нафарни ($1,83 \pm 0,60\%$), Урганч шаҳрида бўлса 39 нафарни ($6,55 \pm 1,01\%$) ташкил этди. Агар бу рақамларни олиб ташланган тишлар миқдори билан қиёсласак, қуйидаги нисбатларни оламиз (3.4-расм). Боғот тумани бўйича $2,63 \pm 0,72\%$ ($n=13$)га қарши $2,02 \pm 0,63$ ($n=10$); Янгибозор тумани бўйича $7,94 \pm 1,22\%$ ($n=39$)га қарши $1,83 \pm 0,60\%$ ($n=9$); Урганч шаҳри бўйича $7,06 \pm 1,05\%$ ($n=42$)га қарши $6,55 \pm 1,01\%$ ($n=39$).

Хулоса. Шундай қилиб, балоғат ёшидаги қизларнинг ортопедик статуси ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, олиб ташланган тишлар ($5,94\%$) миқдори протезлаш фоизига ($3,67\%$) нисбатан юқори бўлди, протезлаш фоизи эса $61,70\%$ ни ташкил этди. Ҳудудлар

кесимида кўрсак БОғот туманида кўприксимон протез 2,02% ҳолатда аниқланган бўлса, Янгибозорда 1,83%, Урганч шаҳрида 6,55% ҳолатда аниқланди. Мос равишда протезлаш фоизи бўйича ҳам ишонарли даражадаги фарқлар аниқланди – Боғотда 76,92%, Янгибозорда 23,07% ва Урганч шаҳрида 92,87%. Кўриниб турибдики, шаҳарда доимий истиқомат қилувчи кизларда протезлаш фоизи қишлоқ туманларига нисбатан 1,20 ва 4,02 мартага ишонарли равишда кўп аниқланди ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). Протезлаш юқори жағда (70,68%) пастки жағга нисбатан (29,32%) кўп учради, аммо худудлар бўйича учраш даражаси бўйича ишонарли даражадаги тафовут аниқланмади ($P > 0,05$).

IQTIBOSLAR | CHOSKI | REFERENCES:

1. Курязов А.К. Распространенность и интенсивность кариеса зубов среди беременных, проживающих в различных экологических условиях Узбекистана // Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010. - №3. – С.99-102 (14.00.00; №19).
2. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Рузметов У.А. Особенности профилактики стоматологических заболеваний у беременных в условиях экологического неблагополучия. // Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010.- №3. - С.42-45 (14.00.00; №19).
3. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Нуралиев Н.А. Сравнительное изучение факторов местного иммунитета ротовой полости у беременных женщин. // Журнал теоретической и клинической медицины. – Ташкент.- 2010. - № 5.- С. 86-89 (14.00.00 ; №3).
4. Курязов А.К., Суванов К.Ж. Распространенность болезней пародонта и слизистой оболочки полости рта среди беременных, проживающих в различных экологических условиях // Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана. – Ташкент, 2011. - №1. – С. 78-82 (14.00.00; №17).
5. Kuryazov A.K., Nuraliyev N.A. Condition of non-specific protection factors of oral cavity among pregnant women // European journal of natural history. - 2012. - N 8. - P. 4-5 (Scopus).
6. Suvonov K.J., Adilov U.X., Kuryazov.A.K. Prevalence and risk factors of dental diseases in pregnant women living in different regions of Uzbekistan // European Journal of Molecular & Clinical Medicine. - 2020. - Vol. 07, Issue S-02, P.- 2864-2870 (Scopus).
7. Gafforov S.A., Berdiyeva S.G., Kuryazov.A.K. Interdisciplinary Interaction Issues in Orthodontics // International Journal of Trend in Scientific Research and Development(IJTSRD) Medicine. - 2021. - P.25-28 (IF- 7.445).
8. J. A. Rizaev ., A. A. Shodmonov . Editor Journals and Conferences . (2022, October 2). DENTAL IMPLANTATION USING COMPUTER SOFTWARE FOR ACCURATE PLACEMENT AND LONG-TERM PROSTHETIC RESULTS. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/DKC6W19> .
9. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёллар орасида стоматологик касалликлар аниқланиш даражаси // Тиббиёт ва инновациялар. -Тошкент, 2023. - № 3(11). - 350-366 б. (ОАК раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сонли қарори).
10. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёлларда касби ва ёшига боғлиқ соматик саломатлигини баҳолаш натижалари // Тиббиётда янги кун. - Тошкент, 2023. - №10(60). - 866-871 б. (14.00.00; №22).
11. Kuryazov A.K., Olimov S.Sh. The prevalence of diseases among women of fertility age. // Journal of Advanced Zoology. - 2023. - Vol. 44, Issue S-2. P. 2394-2406 (Scopus).
12. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Показатели ортопедического статуса женщин фертильного возраста // Stomatologiya. - Тошкент, 2023. - № 4(93). - 31-38 б. (14.00.00; №12).
13. Курязов А.К., Олимов С.Ш. Особенности возрастных изменений ортопедического статуса у женщин фертильного возраста, живущих в городской и сельской местностях // Тиббиёт ва инновациялар. - Тошкент, 2023. - №4(12). - 335-346 б. (ОАК раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сонли қарори).

БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ

JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000